

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**РЎЗИЕВ ШАХОББИДДИН СУБХОНОВИЧ**

**ИНСУЛТДАН КЕЙИНГИ СИНДРОМЛАРНИНГ МИЯ ФУНКЦИОНАЛ  
АССИМЕТРИЯСИ АСПЕКТИДА ЭРКАК ВА АЁЛЛАРДА КЛИНИК  
НЕВРОЛОГИК ВА ГЕМОДИНАМИК БУЗИЛИШЛАРНИ  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.13–Неврология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**БУХОРО – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Рўзиев Шахоббиддин Субхонович**

Инсултдан кейинги синдромларнинг мия функционал ассиметрияси аспектида эркак ва аёлларда клиник неврологик ва гемодинамик бузилишларни хусусиятлари.....3

**Рузиев Шахоббиддин Субхонович**

Особенности клинико-неврологических и гемодинамических изменений постинсультных синдромов у мужчин и женщин в аспекте функциональной ассиметрии мозга.....28

**Ro'ziyev Shahobiddin Subhonovich**

Features of clinical, neurological and hemodynamic changes in post-stroke syndromes in men and women in the aspect of functional asymmetry of the brain .....53

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....57

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**РЎЗИЕВ ШАХОББИДИН СУБХОНОВИЧ**

**ИНСУЛТДАН КЕЙИНГИ СИНДРОМЛАРНИНГ МИЯ ФУНКЦИОНАЛ  
АССИМЕТРИЯСИ АСПЕКТИДА ЭРКАК ВА АЁЛЛАРДА КЛИНИК  
НЕВРОЛОГИК ВА ГЕМОДИНАМИК БУЗИЛИШЛАРНИ  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.13–Неврология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**БУХОРО– 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2021.3.PhD/Tib2115 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ўринов Мусо Болтаевич**  
тиббиёт фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Нургужаев Еркин Смагулович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор  
(Қозғистон Республикаси)

**Ҳайдарова Дилдора Қодировна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 рақамли Илмий кенгашнинг 20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (99865) 223-00-50, Веб-сайт: [www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz), e-mail: [buhme@mail.ru](mailto:buhme@mail.ru)).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№\_\_ рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (99865) 223-00-50, Веб-сайт: [www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz), e-mail: [buhme@mail.ru](mailto:buhme@mail.ru)).

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ кунни тарқатилган.  
(2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Д.Т.Ходжиева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**С.С. Пўлатов**

Илмий даражалар берувчи берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди, доцент

**Г.А. Ихтиярова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда бош мия қон томир касаллиги кўп йиллар давомида неврологиянинг энг муҳим тиббий ва иқтисодий муаммоларидан бири бўлиб келмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра "...ўтган ўн йил ичида инсултдан 5 млн дан ортиқ киши вафот этган, қолган 15 млн кишининг 80-85% дан ортиғи ногирон бўлиб қолган..."<sup>1</sup>. Инсулт билан курашиш бўйича миллий ассоциациянинг статистик маълумотларига кўра, инсултдан кейинги оғир ногиронлик даражаси 76% ни ташкил қилади ва барча инсултдан кейинги тикланиш жараёнлари учун кетган саъй-ҳаракатларга қарамасдан сезиларли даражада ўзгармаган. Бу касаллик навқирон ёшдаги кишиларни зарарлаб, уларнинг меҳнат қобилиятини пасайтириб ногиронлик ҳолатига олиб келиб ва ўлим сонини оширган. Мия инсултини ташхислаш ва даволашнинг янгидан – янги усуллари ишлаб чиқиладиганлигига қарамасдан, бу касалликни ўлим кўрсаткичи дунё бўйича, юрак ишемик касалликларидан сўнг 2–ўринда туради. Дунё бўйича хар йили кузатиладиган бирламчи инсултлар 15 млн. дан ошади, шу учун бу қон томир касалликлари энг долзарб тиббий-ижтимоий муаммолардан бири ҳисобланади.

Жаҳон миқёсида инсулт билан оғриган беморларни нейрореабилитациясининг мураккаблиги кўп ҳолларда уларнинг ҳаёт фаолиятини сезиларли чегараловчи ва кундалик фаолликни тиклашни қийинлаштирувчи мавжуд бўлган неврологик ва когнитив бузилишларни турли туманлиги ҳамда оғирлиги билан боғлиқдир. Шунинг учун инсулт билан касалланган беморларда касалликнинг профилактикаси ва олдини олиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу тадқиқот вазифалари замонавий тиббий ёрдам даражасини янги даражага олиб чиқиш ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш, замонавий технологиялардан фойдаланиш учун, инсултни диагностика қилиш ва оқибатларини даволашда илғор илмий тадқиқотлар ўтказиш мақсадида аҳоли учун ўта муҳим бўлиб ҳисобланади.

Бугунги кунда, мамлакатимизда соғлиқ сақлаш соҳаси тубдан янгиланди. Ўзбекистон Республикаси тиббиётида долзарб муаммо цереброваскуляр касалликларга эрта ташхис қўйиш, шунингдек уларнинг асоратларини камайтириш бўйича даволаш чораларини ишлаб чиқиш ҳисобланади. Ҳозирги вақтда, «...2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига кўра, мамлакат аҳолисига тиббий ёрдам кўрсатилишини янада яхшилаш кўзда тутилмоқда...»<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup>Исакова Е.В, Рябцева А.А, Котов С.В. Состояние микроциркуляторного русла у больных, перенесших ишемический инсульт // РМЖ. Актуальная проблема. – 2015. – №12. – С. 680-682.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3071-сон Қарори.

Ҳозирги вақтда, ечимини кутаётган биринчи даражали вазифа – инсулт билан оғриган беморларга тиббий ёрдам кўрсатишнинг барча босқичларида ўз вақтида диагностика, замонавий технологияларнинг қўлланишини кенгайтириш ҳисобига юқори малакали, сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш ҳисобланади, бу аҳолининг турли қатламларида ҳаёт сифатини ошириш имконини беради.

Ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йилнинг 7-февралидан “2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” ПФ-4947-сон фармони, 2017-йилнинг 20-июнидан “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021-йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3071-сон қарори, 2018-йил 7-декабридан “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5590-сон фармони, 2018-йил 30-августидан “Аҳолига неврологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3925-сон қарори, шунингдек ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг бажарилишига хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Инсултлар ривожланиб боровчи тиббий, ижтимоий ва иқтисодий муаммо бўлиб, унинг қўлами эпидемиянинг хусусиятларини эгалламоқда. Касалланиш кўрсаткичларининг нисбатан барқарор эканлиги ва сўнгги икки ўн йиллик давомида ўлим даражасининг пасайганлигига қарамай инсулт билан боғлиқ меҳнатга лаёқатсизлик ва ўлимни ҳисобга олган ҳолда узок умр кўриш сонининг ўсиши кузатилмоқда (Feigin V.L. et al., 2016).

Инсулт билан оғриган беморларни даволаш, диагностикаси ва реабилитациясида сезиларли муваффақиятларга эришишга имкон берди, бу ўлим ва ногиронликнинг пасайиши билан намоён бўлади. Ушбу соҳада шубҳасиз эришилган ютуқларга қарамай неврологик танқисликнинг реабилитация тадбирлари самарадорлиги, қисқа ва узок муддатли прогнозига, беморларнинг функционал ҳолати ва ҳаёт сифати даражасига салбий таъсир кўрсатиш муаммоси кам аҳамиятли бўлиб қолмоқда. Инсултдан кейинги ногиронлик, когнитив бузилишлар кўпинча бирга кечади, ва ушбу ҳолат ўлимнинг юқори даражада бўлиши, тикланишнинг ёмон кечиши, шифохонага қайта ётқизишлар сонининг ошиши ва иқтисодий харажатларнинг ўсиши билан боғлиқ (Стаховская Л.В., 2017; Kilburg S. et al., 2017).

Инсултларнинг анъанавий белгилари касалликнинг тўсатдан ривожланиши, ҳушдан кетиш ва неврологик симптомларнинг, бир томонда фалаж содир бўлиши ҳисобланади. Мия инфарктига функцияларнинг аста-

секин бузилиши, касаллик бошланишида, бемор ҳушида бўлиши, клиник неврологик белгиларининг тўлиқ ривожланмаганлиги билан намоён бўлади. Бироқ касаллик камдан-кам ҳолатларда мазкур кўринишда кечади. Қатор ҳолатларда бош миёда бўладиган органик жарёнларни бузилиши дастлаб ҳушдан кетиш билан кузатилмайди ва неврологик белгилар маълум вақт давомида ортиб боради. Ишемик инсултнинг ноодатий кечиши янада кўп учрайди, бунда ўткир бошланиши, бир неча дақиқаларда мианинг барча функцияларини ҳам йўқотиш мумкин. Шунинг учун инсультнинг турига ташхис қўйиш учун, шунингдек бошқа белгиларни эътиборга олиш зарур [Гафуров Б.Г.,2019; Туйчиева М.Г. ва ҳаммуал., 2016; СергеевД.В. ., 2017; Шишкова В. ва ҳаммуал., 2019]. Геморрагик ва ишемик инсультнинг биринчи дифференциал диагностикасини ўтказиш муҳим вазифа ҳисобланади.

Айтиб ўтиш лозимки, беморларнинг ушбу ҳолатларида кечиктириб бўлмайдиган тез ёрдам кўрсатиш, стандарт асосида диагностика, даволаш принципларини йўлга қўйиш ва реабилитация чораларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Инсултда эрта реабилитация кўрсаткичларини яхшилаш, ҳаёт сифати даражасини яхшилаш ва инсон фаолиятида чекланишларни камайтириш, беморларнинг бир қисмини ижтимоий-фойдали меҳнатга қайтариш имконини беради [Сергеева Т.В. ва ҳаммуал., 2019; Зайцева Е.В., Исакова Е.В., 2019]. Касалликнинг ўткир давридан кейин реабилитация принципларига риоя қилинган ҳолатда, энг замонавий ва қиммат даволаш ҳамда реабилитация усулларида эмас, кўплаб тиббиёт муассасаларида мавжуд шароитдан фойдаланиш реабилитация чораларининг самарадорлигини ошириш ва миё инсулти бошидан ўтказган аксарият беморларни ногиронликсиз, мустақил ҳаётга қайтариш имконини беради [Дамулин И., ва ҳаммуал., 2017; Лопатина Т.Н., Терентьева О.В., 2019; Асадуллаев М.М., Ибодуллаев З.У.,2010]. Шу билан бирга, мамлакатимизнинг аксарият аҳолиси, доимий яшаш жойидан қатъи назар, инсултдан кейинги клиник-неврологик симптомларни қайта тиклашнинг янги усуллари, эрта ва кечки реабилитациядан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши муҳим. Ишемик инсулт клиник кўринишларининг жинсга ва ярим шарларда боғлиқ ҳолда клинко-неврологик кечиши, гемодинамик бузилишлари ва эрта реабилитация усуллариининг тўлиқ ўрганилмаганлиги ва бирламчи бўғинда оптималлаштирилмаганлиги ушбу тадқиқотнинг долзарблиги ҳақида далолат беради. Юқорида қайд этилган ҳолатлар ушбу диссертация ишининг мақсади ва вазифаларини шакллантиришга имкон беради.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Ушбу диссертация иши Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтининг № 03.2019. PhD.048 “Бухоро ҳудуди иссиқ иқлими шароитида организмнинг патология олди ва патологик ҳолатларини эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олишга қаратилган янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш

(2017–2021 йй.)” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** инсултдан кейинги синдромларнинг мия функционал асимметрияси аспектида эркак ва аёлларда клиник-неврологик ва гемодинамик бузилишларининг эрта реабилитация чора-тадбирларини оптималлаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

эркак ва аёлларда мия ярим шарлари инсултларини ўчоқ латерализациясини учраш даражасига асосланиб ретроспектив таҳлил қилиш;

эркак ва аёлларда инсултдан кейинги неврологик синдромларни мия ярим шарларига боғлиқ ҳолда клиник кечишини асослаш;

ишемик инсулт ўтказган беморларда жинсга ва латерализацияга боғлиқ ҳолда церебрал гемодинамика ва бош мия биоэлектрик фаоллигини таҳлил қилиш;

эркак ва аёлларда инсулт касаллигидан кейинги эрта тикланиш даврида зарарланиш ўчоғига боғлиқ ҳолда, дифференциялашган реабилитация чора-тадбирларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти сифатида** ишемик инсулт билан оғриган 3424 нафар беморлар клиник текшируви ретроспектив таҳлили ва 145 та проспектив беморлар таҳлили олиб борилган. Асосий гуруҳдаги 145 нафар беморлар танлаб олиниб, улар эркак ва аёлларда инсултдан кейинги неврологик синдромларнинг мия ярим шарларига боғлиқ ҳолда клиник кечиши, динамикаси, ҳаракат ва сезги ўзгаришларини, нейрпсихологик синдромларни (афазия, апрокто-агностик синдром), бош мия пўстлоғи биоэлектрик активлик динамикаси таҳлил қилинган. Жинсга ва ёшга боғлиқ ҳолда мия ярим шарлари инсултида клиник белгиларни ўзига хослигини аниқланди. Эркак ва аёлларда мия ярим шарларига боғлиқ ҳолда реабилитацияни ўзига хослиги ўрганилди. Инсултнинг тикланиш даврида эркак ва аёлларда зарарланиш ўчоғига боғлиқ ҳолда, дифференциялашган реабилитация-чоралари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг предмети:** Ишемик инсулт билан оғриган беморлар қон томирлари гемодинамикасини аниқлаш мақсадида, брахиоцефал артерияларни дупплексли ультратовушли доплерография, миянинг биоэлектрик активлигини аниқлаш мақсадида (ЭЭГ) электроэнцефалография, (МРТ) магнитли-резонанс томография, (МСКТ) мультиспирал компьютер томография текшируви натижалари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари:** Диссертация ишида клиник-неврологик, нейровизуализация (МРТ), (МСКТ), брахиоцефал артерияларни дупплексли ультратовушли доплерография (УТДГ), миянинг биоэлектрик активлигини аниқлаш мақсадида (ЭЭГ) электроэнцефалография, клиник-биокимёвий лаборатория усуллари, нейрпсихологик текширув, касаллик тарихи ва бошқа текширув усулларини таҳлил қилиш ва статистик текширув усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:**

илк бор эркак ва аёлларда инсултдан кейинги неврологик синдромларнинг мия ярим шарларига боғлиқ ҳолда клиник кечиши, динамикаси, ҳаракат ва сезги ўзгаришлари, нейробиологик синдромлари (афазия, апрокто-агностик синдром), бош мия пўстлоғи биоэлектрик активлик динамикаси таҳлил қилинган;

жинсга ва ёшга боғлиқ ҳолда мия функционал асимметрияси аспектида клиник-неврологик ва гемодинамик бузилишларининг келиб чиқиши илк бора аниқланган;

илк бор инсулт билан касалланган эркак ва аёлларда мия ярим шарларига боғлиқ ҳолда экспрессив нутқ эрта реабилитация даврида юқори самарадорлиги исботланган;

инсултдан кейинги тикланиш даврида эркак ва аёлларда зарарланиш ўчоғига боғлиқ ҳолда, дифференциялашган реабилитация чоралари ишлаб чиқилган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

эркак ва аёлларда инсултдан кейинги неврологик синдромларнинг мия ярим шарларига боғлиқ ҳолда клиник кечиши, динамикаси, ҳаракат ва сезги ўзгаришларини, нейробиологик синдромларни (афазия, апрокто-агностик синдром), бош мия пўстлоғи биоэлектрик активлик динамикаси таҳлил қилинган;

жинсга ва ёшга боғлиқ ҳолда мия функционал асимметрияси аспектида клиник-неврологик ва гемодинамик бузилишларининг келиб чиқиши аниқланган;

эркак ва аёлларда мия ярим шарларига боғлиқ ҳолда эрта реабилитациянинг самарадорлиги ўрганилган;

инсултнинг тикланиш даврида эркак ва аёлларда зарарланиш ўчоғига боғлиқ ҳолда, дифференциялашган реабилитация чоралари самарадорлиги исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотларда бир-бирини тўлдирувчи олинган натижалар ва назарий методлар қўлланилиши, ўтказилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморларнинг етарли миқдори, чет эл ва мамлакатимизда ўтказилган тадқиқотларнинг солиштирилиши, шунингдек олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан берилган хулосалар билан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишемик инсултларнинг мия ярим шарларига боғлиқ ҳолда зарарланиш латерализацияси клиник кечиши ва гемодинамикасининг жинсга боғлиқлиги, эрта реабилитация чора тадбирларини оптималлаштириш билан бирга беморларнинг нейробиологик, жисмоний лаёқатини ошириш, ҳаёт сифати даражасини яхшилаш шу билан бир қаторда меҳнат қобилиятини тиклаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишемик инсулт билан касалланган беморларни аниқлаш, касаллик асоратланган шакли ривожланишининг олдини олиш, ҳамда унинг эрта даврида реабилитация

чора-тадбирларини амалга ошириш, шунингдек, йўқотилган меҳнатга лаёқатсиз кунларнинг камайиши орқали изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши:** Инсултдан кейинги синдромларнинг мия функционал асимметрияси аспектида эркак ва аёлларда клиник неврологик ва гемодинамик бузилишларни хусусиятлари бўйича олинган илмий натижалар асосида қуйидагилар яратилди:

“Ишемик инсулт билан оғриган беморларда афазия ва агнозияни аниқлашнинг оптималлаштириш методологик усуллари” услубий тавсияномаси (ЎзР Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг 2021-йил 14 октябрдан №8н-р/929-сон хулосаси билан тасдиқланган). Мияга қон қуйилишининг ўткир бузилишини клиник белгиларидан ташқари, ишемик инсулт билан оғриган беморларда афазия ва агнозияни аниқлашнинг оптималлаштириш методологик усулларидан фойдаланиш имконини берган;

“Ишемик инсулти билан оғриган беморларда қиёсий реабилитацияни оптималлаштириш усуллари” услубий тавсияномаси (ЎзР Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг 2021-йил 14 октябрдан №8н-р/930-сон хулосаси билан тасдиқланган). Ишемик инсулти билан оғриган беморларда қиёсий реабилитацияни оптималлаштириш усулларидан фойдаланиш имконини берган;

Илмий ишнинг натижалари Бухоро вилоят кўп тармоқли марказининг неврология, РШТЎИМ Бухоро филиали неврология, Ромитан, Вобкент, Жондор, Когон туманларининг тиббиёт бирлашмалари таркибидаги неврология бўлими амалиётига тадбиқ қилинган (ЎзР Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг 2021-йил 26-октябрда №8н-з/382-сон хулосаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши ишемик инсулт билан касалланишни олдиндан аниқлаш, касаллик асоратларини ва ногиронликни камайтириш ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 127 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, текширув объекти ва предметлари аниқланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари

ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этилганлиги, апробация натижаси, нашр қилинган мақола, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида **“Мия механизмлари мия зарарланиши латерализациясига қараб инсулт бўлган беморларнинг реабилитацияси”** мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда Ишемик инсулт ўтказган беморларда клиник-неврологик ва нейропсихологик бузилишларнинг патогенези, клиникаси, ташхислаш ва даволаш тамойилларининг афзалликлари ва камчиликлари таҳлил қилинган, шунингдек, мазкур муаммонинг ўз ечимини топган ҳамда ечими топилиши лозим бўлган аспекти белгиланган.

Диссертациянинг иккинчи бобида **«Клиник материаллар ва қўлланилган тадқиқот усулларининг умумий тавсифи»** тегишли беморлар ва фойдаланилган усуллар, шунингдек, тадқиқот натижаларини баҳолашда қўлланилган статистик усуллар тавсифланган.

Ушбу тадқиқотга Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази ва Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали бўлимларида 2015-2020 йиллар давомида мурожаат этиб, бош мия ишемик инсулт билан даволанган ретроспектив 3424 нафар беморлар киритилган. Умумий проспектив 145 нафар бемор текширувдан ўтказилган. Гуруҳдаги беморлар ёши 18 ёшдан 74 ёшгача бўлиб, ўртача  $64,8 \pm 9,3$  ни ташкил этган.

Тадқиқотнинг иккинчи босқичида 18 ёшдан 74 ёшгача бўлган (ўртача ёш  $64,8 \pm 9,3$  ёш) ярим шарлар инсулти (ЯИ) билан касалланган 145 нафар беморни ҳар томонлама клиник текшириш натижалари таҳлил қилинган. Шундан 51,7% ни (75 нафар) эркаклар ва 48,3% ни (70 нафар) аёллар ташкил этган. Ўнг ярим шар инсулти билан касалланган эркаклар 37 нафар (52,1%) чап ярим шар инсулти билан касалланган эркаклар 38 нафар (51,4%) ни, шундан аёллар ўнг ярим шар инсулти билан оғриган 34 (47,9%) чап ярим шарларда эса 36 нафар (48,6%) ни ташкил этган.

Беморлар касалликнинг ўткир даврда, ўткир ости даврда ва клиникадан уйига жавоб берилганидан кейин инсултнинг эрта тикланиш даврида кузатилган. Мия зарарланишининг латерализациясини ҳисобга олган ҳолда беморлар икки гуруҳга бўлинган: 1 гуруҳни ўнг мия ярим шарлари инсулти бўлган 71 нафар (49,0%), чап мия ярим шарлари инсулти 2 гуруҳни - 74 нафар (51,0%) беморлар ташкил этган. Шунини таъкидлаш керакки, беморларнинг умумий таркибида 60 ёшдан 74 ёшгача бўлган шахслар кўпчиликти ташкил қилган. Бу беморларнинг улуши 75,9% ни ташкил этди. Бу тенденция ҳар икки жинсдаги шахслар учун хос эди. 60 дан 74 ёшгача бўлган ёш тоифасида эркак шахсларнинг аёлларга нисбатан бир оз устунлиги кузатилди – 50,9% га нисбатан 49,1%. 45 ёшдан 59 ёшгача бўлган ёш тоифасидаги текширилаётган шахслар 22,8%, 18 ёшдан 44 ёшгача бўлган ёш

тоифасидаги текширилаётган шахслар 1,4%, ни ташкил этган. Олинган маълумотларга асосланиб, эркаклар ва аёлларнинг ёш гуруҳлари бўйича тақсимланишида ( $p < 0,001$ ) ёшлар орасида эркакларнинг устунлиги билан боғлиқ статистик жиҳатдан сезиларли фарқлар мавжуд эди. Демак, 60 ёшлилар орасида эркак беморларнинг улуши 57,6% ни ташкил этган, бу ёш тоифасида аёллар учун бу кўрсаткич фақат 42,4% ни ташкил этган.


Шундай қилиб, тадқиқотнинг иккинчи босқичида беморларнинг умумий кўриниши 60 дан 74 ёшгача бўлган шахслар устун бўлганлигини таъкидлаш керак. Бу беморларнинг улуши 75,9% ни ташкил этган. 45 ёшдан 59 ёшгача бўлган ёш тоифасидаги ўрганилаётган шахслар 22,8% ни ташкил этган. 60 ёшлилар орасида эркак беморларнинг улуши 56,7% ни ташкил этган, бу ёш тоифасида аёллар учун бу кўрсаткич фақат 42,4% ни ташкил этган. 63 нафар (43,3%) беморда инсултнинг этиологик омиллари гипертония, 30 нафарида (20,7%) - атеросклероз, 52 нафарида (35,9%) — атеросклероз билан бириккан гипертония. ИИнинг атеротромботик тури 71,7% ҳолларда (эркакларда - 51,7%, аёлларда - 48,3%). ИИ кардиоэмболик тури – 28,3% ҳолларда (эркакларда-25,3%, аёлларда-31,4%) аниқланган.

Маълумотлар базасини статистик таҳлил қилиш SPSS дастури (v20, IBM, Chicago, IL, USA) ёрдамида амалга оширилган. Ўрганилаётган ўзгарувчилар учун тавсифловчи статистик маълумотлар одатда тарқатилган узлуксиз ўзгарувчилар учун ўртача қиймат  $\pm$  стандарт оғиш сифатида тақдим этилади, квадратлар орасидаги медиана одатда тарқатилган узлуксиз ўзгарувчилар учун қатор ўртасидаги ва аниқ ўзгарувчилар учун фоизли частота. Ўзгарувчилар одатда тақсимланган узлуксиз маълумотлар учун Стюдентнинг t-тести (2 та ўзгарувчини солиштириш учун) ва категориал маълумотлар учун Chi -квадрат тести ёрдамида таққосланган.

Гуруҳлар ўртасидаги фарқлар бир томонлама (ANOVA) дисперс таҳлил ёрдамида аниқланди махсус LSD/Turkei/Dunnet C тестлар гуруҳлар ўртасида боғланган комбинациаларни солиштириш учун (3 гуруҳлар ва юқори). Иккиланган мантикий регрессия сабабли муносабатларни аниқлаш учун амалга оширилди. Dots ва Box plot графикалар минимал қиймати, 25%, ўрта (50%), 75% ва ўзгарувчининг энг юқори қиймати, шу жумладан, беш рақамлар, бир сарлавҳалари асосида бу ўзгарувчилар тақсимлаш кўрсатиш учун SPSS дастурий белгиланган тенгламаларга кўра ҳисоблаб қийматларни тасаввур қилиш учун ишлатилган, outliers ҳам кўрсатилган эди (95% ишонч оралиғидан тушмайдиган қийматлар). Тадқиқотлар натижасида олинган маълумотлар статистик ишлов функциялари киритилган Microsoft Office Excel-2012 дастурий пакети ёрдамида Pentium-IV шахсий компютерида статистик ишланди. Ўрганилаётган кўрсаткичнинг ўртача арифметик қиймати (M), ўртача квадратик силжиш ( $\sigma$ ), ўртача қийматнинг стандарт хатоси (m), нисбий кўрсаткичлар (частота, %) ни ҳисоблаш билан параметрик ва нопараметрик вариацион статистика усулларидан фойдаланилди. Ўртача қийматларни қиёслаш натижасида олинган кўрсаткичларнинг статистик аҳамияти хато эҳтимоли (p) ни ва бош дисперсиялар тенглиги (F-Фишер мезони) ни ҳисоблаган ҳолда Стюдент (t)

мезони бўйича аниқланди. Ишончлилиқ даражаси  $p < 0,05$  га тенг кўрсаткичлар статистик аҳамиятли ўзгаришлар сифатида қаралди. Белгиларнинг ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилиш учун Пирсоннинг жуфтлик корреляцияси коэффиценти ( $r$ ) ҳисобланган.

Диссертациянинг учинчи бобида **”Ярим шарлар инсултларида жинс ва ўчоқнинг латеризациясига қараб беморларнинг клиник ва неврологик кўрсаткичлари хусусиятлари”** инсулт ўтказган беморларда функционал ассиметрияга боғлиқ ҳолда яъни зарарланиш ўчоғи локализациясини инобатга олган ҳолда клиник неврологик ва нейрпсихологик бузилишларни динамикада баҳоланиши натижалари кўрсатиб берилган. Тадқиқотда ўнг ёки чап ярим шарларда мияда содир бўлаётган ҳолатда ўчоқнинг жойлашишига қараб инсултдан кейинги текширилган беморларнинг неврологик симптомлари ва синдромлари таҳлил қилинган. Таҳлиллар ишемик инсултнинг намоён бўлишидаги фарқларни шикоятлар таркибида ҳам, касалликнинг клиник манзарасида ҳам аниқлаш имконини берган. Реабилитация самарадорлигини баҳолаш махсус баҳолаш шкалалари ёрдамида амалга оширилган. Инсултнинг ўткир даврида (1 дан 5 кунгача) бу баҳо барча ўрганилган беморларга қўлланилган. Ўткир даврда шкалалар тирик қолган беморларга қўлланилган (1- расм).



**1- расм. ЎИИда Глазгонинг эс-хушини баҳолаш шкаласи  $p < 0,05$**

Тиббий тадқиқотларда қабул қилинган турли баҳолаш тестлари ва шкалаларга кўра кўйилган баҳоларга кўра неврологик камчиликларнинг ўзгариш динамикаси кўрсатилган. Ҳар бир гуруҳ ичидаги гуруҳлараро ва жинслараро фарқларнинг кўрсаткичлари кўриб чиқилди. Ўткир даврда барча беморлар Глазго эс-хушни баҳолаш шкаласи бўйича (1974 йил) онгнинг бузилиш даражаси борлиги учун текширилган. 1-расмда I гуруҳ беморларида эс-хушнинг (онгнинг) бузилиши даражаси анча юқори бўлган деган хулосага келиш учун ўртача кўрсаткичлар келтирилган II гуруҳ беморларга нисбатан  $7,2 \pm 1,9$ ,  $p < 0,05$  қарши  $5,4 \pm 1,3$  балл. (1-расм) да 1- гуруҳда энг ўткир даврда баҳолаш шкалалари бўйича кўрсаткичлар иккинчи гуруҳга нисбатан асосий ва назорат гуруҳларининг тикланиш даражасини таққослаганда паст

бўлганлиги кўриниб турибди. Динамикада беморларнинг 2-гуруҳида барча баҳолаш тестлари учун юқори кўрсаткичлар кузатилган.

Гусев-Скворцова оригинал шкаласи ифодаланган неврологик ўзгаришларнинг кучини баҳолайди – онг даражасига кўра беморнинг аҳволи оғирлиги, олий мия функциялари ҳолати, муҳим ҳаётий бузилишлар, пўстлок симптомлари мавжудлиги, ҳаракат, мувофиқлаштириш, ҳиссий бузилишлар, бош мия нервлари зарарланишини аниқлайди. Шундай қилиб, касалликнинг ўткир ва жуда ўткир даврида 30 балдан кам бўлган умумий клиник беморларнинг ҳолати жуда оғир, 30-35 бал - оғир, 35 балдан ортиқ-ўртача оғир (Гонар И. А.). I- Гуруҳда ўткир даврда Гусев-Скворцова шкаласи бўйича II гуруҳга нисбатан паст кўрсаткичлар кузатилди (мос равишда  $29,3.1 \pm 0.9$ ;  $35.8 \pm 1.5$ ). Динамикада II гуруҳда неврологик нуқсон регрессиясининг юқори суръатлари кузатилди. Barthel шкаласи бўйича баҳолаш барча беморлар учун ҳам 2 марта, касалликнинг ўткир даврида ва касалликнинг эрта реабилитация даврида ҳаммага амалга оширилди. Barthel шкаласи бўйича энг юқори бал-100 балл. Ушбу шкала бўйича I гуруҳ беморларини жуда ўткир даврда баҳолашнинг ўртача қиймати (балларда)  $37,6 \pm 0,6$  бални; ўткир даврда- $43,4 \pm 2,8$  бални ташкил этиб, бу оғир ҳаракат бузилишларига тўғри келади. Динамикада баллар фарқи ўртача 6.2 баллни ташкил этганини кўриш мумкин. II гуруҳда тегишли кўрсаткичлар юқори бўлди- $41,2 \pm 0,9$  ва  $52,8 \pm 2,4$  бал, динамикада эса – 11,6 балли юқори ўсиш кузатилди. (Жадвал.3.1). ЎМҚБнинг даражасини аниқлаш учун NIHSS шкаласи тавсия этилади. Ушбу шкала натижаларини Brott et. al. мезонларига кўра талқин қилинган:

0 балл - қониқарли ҳолат; 1-4 -; 5-15 бал энгил инсулт 5-15 бал ўртача оғирликдаги инсулт; 16-20 бал- ўртача ва оғир инсулт ўртасида бир ҳолат; 21-42 бал - оғир инсулт. L.V.Goldstein et al. мезонларига кўра, умумий 6 баллдан кам натижа билан энгил инсулт аниқланади; 7-12 бал - ўртача оғирликдаги инсулт; 14 баллдан юқори-оғир инсулт. (Неврологиядаги шкалалар). Ушбу тадқиқотда талқиннинг биринчи вариантыдан фойдаланилган. Демак, 1-жадвалдан кўриниб турибдики, I гуруҳда NIHSS шкаласи бўйича бошланғич кўрсаткич мос равишда II гуруҳ,  $21,2 \pm 1,9$  ва  $19,9 \pm 1,1$  балларга нисбатан яққол неврологик етишмовчиликка мос келган. Динамикада бу шкала бўйича II гуруҳ беморларида энг яхши натижа кузатилди. Мотрисайти индекси оёқ-қўллардаги ҳаракат бузилиши даражасини баҳолаш учун модификация қилинди (Motricity index, V. Parker, 1986; D. Wade, 1992). Мотрисайти индекси ёрдамида амалга оширилган баҳолаш қуйидагича: I гуруҳда дастлабки кўрсаткичлар  $41,6 + 3,9$  бал, ўткир даврда кўрсаткич  $-82,6 + 5,1$  баллни ташкил этди. Иккинчи гуруҳда эса дастлабки кўрсаткич бироз юқори бўлди ва динамикадаги фарқ ҳам сезиларли бўлди - 43,0 балл. Юқоридаги турли баҳолаш шкалалари бўйича кўрсатилган натижалардан, неврологик симптоматиканинг бошланғич ҳолати ва неврологик белгилари ўртача динамикаси чап яримшарда жойлашган ўчоқли беморларга нисбатан сезиларли даражада яхши эди деб олдиндан

айтиш мумкин. Гуруҳлар ичида жинсга қараб баҳолаш шкалалари кўрсаткичларини ўрганишда қуйидаги маълумотлар очиб берилган.

### 1- жадвал

#### Бош мия ярим шарлари инсултини жинсга қараб турли баҳолаш шкалалари бўйича ўртача кўрсаткичлар

Шкала (балл)	Даврлар	I -Гуруҳ ЎЯШИ		II -Гуруҳ -ЧЯШИ	
		Эркак	Аёл	Эркак	Аёл
Гусев-Скворцова	Ўткир	31,9±1,5*	26,8±0,7	39,9±1,9	31,1±0,2
	Эрта реабилитация	44,6±1,0	38,1±0,2	49,2 ±1,0	42,3±1,1
Barthel	Ўткир	39,8 ± 0,6	36,8 ± 0, 8	43,8 ± 0,7	39,4 ± 0,8
	Эрта реабилитация	46,8 ± 1,4	40,8 ± 1,3	55,4 ± 1,0	48,6 ± 1,2
NIHSS	Ўткир	22,7 ± 1,5	19,7 ± 1,0	20,3 ± 0,3	18,7 ± 1,3
	Эрта реабилитация	18,5 ±0,5**	15,0 ± 0,3	15,4 ± 1,3	14,4 ± 0,3
Мотрисайти	Ўткир	43,7 ± 2,1	39,8 ± 2,6	59,8 ± 2,2	47,3 ± 2,8
	Эрта реабилитация	74,9 ± 2,3	67,7 ± 3,0	97,1 ± 3,5	90,4± 3,6


*Изоҳ , \*-p<0,05 Ўткир даври. \*\*- p< 0,05 Эрта реабилитация даври.*

Биринчи ва иккинчи гуруҳлардаги беморларнинг NIHSS шкаласи бўйича неврологик нуқсонини баҳолаш иккала гуруҳда ҳам ижобий динамиканинг мавжудлигини кўрсатди. Бироқ эркак беморларда ўчоқ неврологик белгиларининг сезиларли регрессияси кузатилди. Barthel шкаласи бўйича баҳолаш, ўткир даврдаги дастлабки маълумотлар нафақат гуруҳларни бир бутун қилиб таққослаганда, беморларни жинсга қараб гуруҳларга ажратишда ҳам сезиларли даражада фарқ қилганини кўрсатди. 1-жадвалдан кўришиб турибдики, иккала гуруҳдаги аёллар эркакларга нисбатан паст кўрсаткичга эга бўлган (36,8 ± 0, 8 ва 39,4 ± 0,8 мос равишда 39,8 ± 0,6 ва 43,8±0,7). Barthel шкаласи бўйича динамикада эркаклар гуруҳидаги балларнинг ўсиши, аёллар гуруҳидагига нисбатан анча катта бўлди - биринчи гуруҳда 4.1 га нисбатан -13.0 балл, p< 0,05, иккинчи гуруҳда 5.2 балга нисбатан 11.6, p<0,05. NIHSS шкаласи бўйича гуруҳлараро фарқлар эркакларда ҳам биринчи гуруҳда, ҳам иккинчида ҳам (22,7 ± 1.5 ва 20,3±0,3 га нисбатан мос равишда 19,7±1,0 ва 18,7±1,3) аёлларга нисбатан юқори бўлди. Динамикада эркакларда сезиларли ижобий ўсиш кузатилган. 1-жадвалдаги маълумотлар шуни кўрсатадики, ҳар икки гуруҳдаги Мотрисайти индексининг бошланғич қийматлари бир-биридан сезиларли фарқ қилмаган. Ҳар икки гуруҳдаги аёлларда натижалар эркак беморларга нисбатан сезиларли даражада ёмон эди. Реабилитация даврида, I гуруҳ эркаклари ва II гуруҳ аёлларида оёқ-қўллардаги Мотрисайти шкаласи кўрсаткичларининг ошиши тенденцияси кузатилди (кўрсаткичлар ўртача динамикаси нисбий ўзгаришлари қуйидагича эди 31.2 ва 37.3, ўз навбатида I гуруҳ эркакларда ва II гуруҳ аёлларда, мос равишда 27.9 ва 45.1га нисбатан I гуруҳ ва II гуруҳ аёлларда,). Мотрисайти

индексининг кўрсаткичлари натижаларига кўра, чап ярим шар ўчоқлари бўлган аёллар эркакларга қараганда оёқ-қўлларидаги ҳаракатларини яхшироқ тиклайдилар. Шундай қилиб, юқорида келтирилган кўрсаткичлардан турли баҳолаш шкаллари бўйича баҳолаш бошланғич ҳолат ва ўртача неврологик симптоматика динамикаси чап-яримшарда зарарланиш ўчоғи жойлашган беморларда сезиларли даражада яхши эди деб олдиндан айтиш мумкин. Мотрисайти индекси кўрсаткичлари натижалари чап ярим шарда ўчоқлари бор аёллар оёқ-қўлларидаги ҳаракатларини эркакларга нисбатан яхшироқ тиклашганини кўрсатиб турибди.


Ишемик инсулт нуқсони билан касалланган беморларнинг ҳаракат ва когнитив соҳасида патологик ифодаланган ўзини етарли баҳоламаслик, беморнинг даволашга, йўқотилган вазифаларни тиклаш жараёнига фаол қатнашмаслиги ва шу сабабли нейрореабилитация натижаларини ёмонлашиши билан ифодаланди. Бироқ, амалиётда, неврологлар кўпинча касалликни клиник намоён бўлишини етарли баҳоламайдилар, ташхис қийинчиликларга дуч келадилар ва беморларнинг кундалик фаолиятидаги чеклашлар таъсирини камайтирадилар. Шу муносабат билан ўткир ишемик мия шикастланишида анозогнозиянинг юзага келиш частотаси масаласини ойдинлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Айни пайтда, бу каби маълумотлар кам ва зиддиятли бўлиб, қисман ушбу бузилишнинг турли диагностик мезонларидан фойдаланиш ва инсултдан кейин турли вақтларда тадқиқотлар ўтказиш билан боғлиқ. Анозогнозиянинг намоён бўлиши билан дискрет ва бир кўриниш эканлиги таъкидлансада, унинг вариантларининг тарқалиши ҳали текширилмаган. Айни пайтда, ўткир даврда шифокорларнинг анозогнозияни турли вариантларини юзага келиш частотаси ҳақида хабардорлиги, ўз вақтида ташхис қўйиш ва реабилитацияга тегишли таъсир кўрсатиши учун муҳим аҳамиятга эга.

DEX мезонларига кўра, I гуруҳдаги 71 нафар беморлардан 39 нафариди (54.9%) ўз одатий вазифаларини етарли баҳолади, 71 нафардан 27 нафар беморларда (38.1%) одатий (бошқарувчи) қувватсизлик патологик жиҳатдан аниқланмади ва 5 нафар (7.0%) беморларда одатий вазифаларни патологик жиҳатдан ортиқча баҳоланди. Беморларнинг II гуруҳида тартибга солиш (бошқарувчи) вазифаларнинг патологик ўзгариши 56,8% ҳолларда анча кенг тарқалган ва 11,0% ҳолларда одатий вазифанинг патологик ўзгариши кузатилди,  $p = 0,0004$ . (2-расм)



**2- расм. Бош мия ярим шарлар инсултида регулятор дисфункцияларни аниқлаш частотаси(n / %)., p = 0,0004.**

Ушбу тадқиқотда, биз анозогнозия “тури” сифатида регулятор дисфункции анозогнозия (DEX сўровномасига кўра), когнитив дисфункция анозогнозия (DEX ва когнитив имкониятларни баҳолашни бузилиши КИББ шкала бўйича) ва ҳаракат дисфункцияси анозогнозиясини (DEX сўровномаси ва КИББ шкала бўйича) номладик. Анозогнозия “варианти” деганда биз онг бузилишини мустақкам чизиқларини тушунамиз, бунга аногнозияни аниқлашни барча усулларининг бирлиги асосида ташхислашдан келиб чиқадиган, фақатгина аногнозиянинг алоҳида турини ўз ичига оладиган эмас балки, уларнинг бирлашгани ҳам (жумладан когнитивной дисфункции анозогнозия ва ҳаракат дисфункция анозогнозия) киритилади. Ўз ҳаракат ва ёки когнитив онг бузилишларини энг энгил шаклини ўз ичига олган у ёки бу миқдори, ўз-ўзини назорат қилишни бузилиши I гуруҳ беморларида ишемик инсултнинг ўткир даври бошланишида анозогнозиянинг алоҳида бузилишлари имкониятлари 71 нафар бемордан 21 нафарида яъни 29,6 % ҳолатларда учради, реабилитациянинг эрта даврида бу кўрсаткич 71 нафар бемордан 13 нафарида яъни 18,3 % ни ташкил қилди. ЎЯШИ билан оғриган беморларда ҳаракат дисфункциясининг анозогнозияси ҳар доим когнитив дисфункциянинг анозогнозияси билан бирлаштирилган ва бу вариант 38,0% ҳолларда топилган. Динамикада ушбу турдаги анозогнозия 25,3% ҳолларда рўйхатга олинган. Фақат когнитив дисфункциянинг анозогнозия варианты 25,3% ҳолларда, яъни ҳаракат ва когнитив дисфункциянинг комбинацияланган анозогнозиясидан паст частотада кузатилган ва динамикада 18,3% гача регрессия кузатилган (3- расм).



**3-расм. Мия ярим шарлари инсулти бўлган беморларда динамикада анозогнозиянинг турли вариантларининг мутлақ ва нисбий частотаси**

Бош мияда қон айланишининг ўткир бузилиши бир неча йўналишдаги оқибатлари бўлган беморларда ифодали ва таъсирчан нутқ, ёзиш, ўқиш, санаш, оғзаки ва динамик праксис, ритмларни тан олиш ва кўпайтириш, “тана схемалари”, маконда йўналиш, юқори визуал функциялар, модал - махсус хотира ва фикрлаш хусусиятлари ўрганилди. Текширилаётган беморларда клиник ва психологик тадқиқотларга кўра ифодаланган нутқнинг бошқа турларининг бузилиш частотаси 2-жадвалда келтирилган.

**Динамикада мия ярим шарлари зарарланиши бўлган аёллар ва эркакларда нутқ бузилишининг оғирлик даражаси (n=145)**

Симптом ва синдромлар	Ўнг томон зарарланиши=71		Чап томон зарарланиши=74	
	меъёр	%	меъёр	%
Спонтан ва диалитик нутқ	7	9,9%	67	90,5%
Автоматлаштирилган нутқ	3	4,2%	14	18,9%
Бадий нутқ	10	14,1%	68	91,9%
Сўзларни такрорлаш	0	0,0%	38	51,4%
Оддий сўзларни такрорлаш	0	0,0%	46	62,2%
«Тинглаб-айтиш» хотира тестини бажариш	10	14,1%	33	44,6%
Нутқнинг юмшоқлиги	7	9,9%	51	68,9%
Нутқнинг темпи	24	33,8%	48	64,9%
Оҳангдор нутқ	31	43,7%	25	33,8%
Тушунарли табиий нутқ	3	4,2%	11	14,9%
Нутқ чизиғини сақлаб қолиш	16	22,5%	31	41,9%
Автоматик ҳисоблаш жараёни	3	4,2%	0	0,0%
Орал праксис	0	0,0%	53	71,6%
Яқин инсонлар чехрасини таниш	13	18,3%	0	0,0%
Бегона инсонларни аниқлаш	19	26,8%	0	0,0%
Ўнгдан чапга ориентировка	10	14,1%	17	23,0%
Ҳақиқий маконга йўналиш	6	14,1%	0	0,0%

2- жадвалдан кўришиб турибдики, нутқнинг темпи ва просодик хусусиятларининг бузилиши ЎЯШИ бўлган беморларда (беморларнинг 43,7% да) энг кўп тарқалган. Бу беморларда нутқнинг секинлашиши ёки аксинча, тезлашиши, нутқнинг интонацион - мелодик хусусиятлари, овоз тембри шаклида нутқ темпи бузилган эди. 33,8% беморларда нутқ тезлиги бузилган. Нутқнинг ифодалилиги бузилиши 14.1% беморларда бўлган. Бу нутқ бузилишлари бу беморларда “ўнг ярим шар пўстлоқ дизартрияси” деб аталади. Беморларнинг тўртдан бир қисмида нутқни ушлаб туриш (22.5%), нотаниш юзларни таниб олиш ва аниқлаш (26.8%) бузилган. Баъзи беморларда ўнг-чап йўналишини топиш (14.1%) бузилган, фазода йўналишни топиш (14.1%) бузилган эди. Автоматлаштирилган ҳисоблаш операцияларида бузилишлар айрим (4.2%) беморларда мавжуд бўлган. 3-жадвалда ЧЯШИ бўлган гуруҳда ифодали нутқдаги бузилишлар энг кўп тарқалган: монологик нутқ - 91,9% да, диалогик нутқ - 90,5% да, автоматлаштирилган нутқ - 18,9% беморларда. Беморларнинг нутқи равон (68.9% да), секин (64.9% да) эмаслиги кўришиб турибди.

Вазиятли ва кундалик нутқни тушуниш (14.9% да), нутқ қаторини сақлаш (41.9% да) бузилиши кузатилди. Бу нутқ бузилиши, асосан, мотор афазия комплекс эфферент симптомлари, енгил ва мўътадил ифодаланган пўстлоқ дизартрияси сифатида ифодаланган улар (Хомская Е. Д., 2004) биричи навбатда сўз айтаётганда талаффуз қийинчиликларида, қийналиш, дудуқланиш, талаффузнинг тушунарсизлиги, бир иборани қайта –қайта айтиш, парафазия, мотор аграмматизми каби мураккаб белгилари шаклида тақдим этилади. Сўзларнинг такрорланиши (51,4%), содда иборалар (62.2%) бузилди. 71.6% беморларда бир қатор оғзаки ҳаракатларни бажаришда оғзаки праксис бузилишлари кузатилди. Пўстлоқ дизартрия ички нутқнинг патологиясиз бузилишларини аниқлади, қийинчиликлар (аралаш товушлар, кучланиш) талаффуз қилишда (25% да) намоён бўлган. Беморларнинг тўртдан бир қисмида (23% да) ўнг-чап йўналишни топиш бузилган.

Шундай қилиб, суҳбатдаги ҳиссий аҳамиятга эга бўлган нутқ фаолиятини мақсадли фаоллаштириш билан боғлиқ клиник ва психологик тадқиқотлар мия ишимизацияси ва ИИ ўчоқларининг турли ярим шарларда жойлашиши бўлган беморларда асосий фарқларни аниқлади. I гуруҳидаги эркак беморларда ўткир даврда клиник ва психологик тадқиқотда бузилишлар ушбу блокнинг барча ўрганилган кичик тестларида учради.

Диссертациянинг тўртинчи бобида “**Ярим шар ишемик инсулти билан оғриган беморларда диагностик инструментал ва лаборатория тадқиқотлари**” инсулт ўтказган беморлардаги клиник-неврологик ва нейрпсихологик бузилишларни динамикада нейрофизиологик ва нейровизуологик текширув натижалари билан солиштирма таҳлили натижалари келтирилган.

ЎЯШИ ва ЧЯШИ билан оғриган беморларнинг липид профил маълумотлари 3-жадвалда кўрсатилган ва бу кўрсаткичлардаги гендер фарқлари 4- жадвалда таҳлил қилинган. Аёлларда ЎЯШИ ва ЧЯШИ кўрсаткичлари ўртасида АИ ва ЮҚЛП бўйича статистик муҳим фарқлар олинган.

### 3-жадвал

#### ИИ бўлган беморларда липид спектри

Гуруҳлар	Холестерин, ммоль/л	ЮҚЛП, ммоль/л	ПҚЛП, ммоль/л	АИ атерогенлик индекси
I гуруҳ	5,37 ± 1,34	0,95 ± 0,32	3,35 ± 0,13	5,22 ± 2,64
II гуруҳ	5,64 ± 1,5	0,99 ± 0,25	3,09 ± 0,62	4,97 ± 0,6
P	>0,05	>0,05	>0,05	>0,05

*Изоҳ. Фарқларнинг статистик фарқи: \*– $p < 0,05$ , \*\*– $p < 0,01$ ; қавсларда таққосланаётган устуннинг рақами кўрсатилган.*

I ва II гуруҳларда ёғ алмашинуви кўрсаткичларини ўрганиш, кичик гуруҳлардаги ҳам муҳим фарқларни очиб бермади (4-жадвал).

## Жинсга қараб, ИИда липид спектрининг кўрсаткичлари

Гуруҳлар	жинс	Холестерин, ммоль/л	ЮҚЛП, ммоль/л	ПҚЛП, ммоль/л	АИ атерогенлик индекси
I гуруҳ	эркак	5,37 ± 1,34	0,95 ± 0,32*	3,35 ± 0,13	5,22 ± 2,1
	аёл	5,2 ± 1,5	0,96 ± 0,4	3,26 ± 0,29**	4,75 ± 1,2
II гуруҳ	эркак	5,4 ± 0,9	0,9 ± 0,29	3,25 ± 0,56	4,97 ± 0,6
	аёл	5,2 ± 0,7	0,88 ± 0,3	3,44 ± 0,77	5,98 ± 2,7

*Изоҳ. Фарқларнинг статистик фарқи: \*– $p < 0,05$ , \*\*– $p < 0,01$ ; қавсларда таққосланаётган устуннинг рақами кўрсатилган.*

Кўпгина кўрсаткичлар бўйича биокимёвий қон текшируви натижалари гуруҳлар ўртасида фарқ қилмади (5-жадвал). Шундай қилиб, ҳар иккала гуруҳдаги аёлларда глюкоза даражаси юқори бўлди (I гуруҳда 6.5 ммол/л ва II гуруҳда 7.32 ммол/л). Ушбу таҳлил қабул куни барча беморларда, яъни инсултнинг ўткир ости ва эрта тикланиш даврида амалга оширилган.

